

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

409 Устав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган
акциядорлик жамиятларини фонд биржасида маж-
бурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бан-
дига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядор-
ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбе-
кистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғоз-
лар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва Ўзбекистон
Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат
қўмитасининг 2008 йил 2 апрелдаги 2008-06, 01/ЦККФРЦБ-18/02-сон қаро-
ри (рўйхат рақами 1801, 2008 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 152-модда) билан тасдиқланган Ус-
тав капитали 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари-
ни фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом-
нинг 2-бандидан «ёпиқ акциядорлик жамиятларига ҳамда» деган сўзлар
чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

**Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази бош директори**

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 1 август,
2014-23-сон

409, 411-моддалар

— 130 —

32 (636)-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 1 август,
01/09-26/18-сон